

**ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШДА
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАР****С.Б.Файзиев***Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистратура босқичи тингловчиси*

Аннотация; *Мазкур мақолада жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашда фуқаролик-ҳуқуқий механизмларнинг мазмуни, аҳамияти ва амалий қўлланилиши таҳлил қилинади. Жиноят оқибатида шахснинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарарни қоплашда фуқаролик ҳуқуқи нормаларининг ўрни ва роли ёритилади. Шунингдек, зарарни қоплаш усуллари, жавобгарлик асослари, айбдор шахснинг мажбуриятлари ҳамда жабрланувчининг ҳуқуқий ҳимояси масалалари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан кўриб чиқилади. Мақолада фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг жиноят-ҳуқуқий жавобгарлик билан ўзаро боғлиқ жиҳатлари очиб берилиб, амалда учраётган муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва ҳулосалар баён этилади.*

Калит сўзлар; *жиноят, зарарни қоплаш, фуқаролик-ҳуқуқий механизмлар, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, жабрланувчи, мол-мулкӣ зарар, маънавий зарар, компенсация, ҳуқуқий ҳимоя.*

Инсон ва фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш –демократик давлатқуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида илдам одимлаб бораётган мамлакатимиз олдида турган енг асосий вазифалардан бири. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳуқуқий муҳофазанинг муҳим объекти сифатида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати белгилаб қўйилган. Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат органлари фаолиятининг асосий вазифалари сифатида қайд етилган. Бундай ҳимоянинг ҳуқуқий усулларида бири эса, фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни тўлашдир. Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зарарни қоплаш деганда, жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоӣ хавfli қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарни бартараф этиш учун етказилган зарарни ҳисоблаш, зарар учун моддий жавобгар шахсни аниқлаш ва ушбу шахсдан даъвогар фойдасига у кўрган зарар ўрнини қоплаш ёки пул ундиришга қаратилган чораларни тушунишимиз мумкин. Жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоӣ хавfli қилмиши натижасида етказилган зарар ўз хусусиятига кўра, моддий, жисмонӣ ёки маънавий шаклларда бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддасига асосан жиноят туфайли етказилган зарарнинг

хусусияти ва миқдори жиноят ишида исботланиши лозим бўлган ҳолат ва айблаш учун асос ҳисобланади.

Жиноий қилмиш туфайли етказилган зарарли оқибатлар ўз навбатида жиноятнинг юридик квалификациясига ўз таъсирини ўтказади., “зарарнинг ундирилиши турли йўллар билан амалга оширилади: моддий ёки номоддий зарарни тиклаш; салбий оқибатлар келиб чиқишининг олдини олиш; тарафларнинг розилигига кўра бошқа компенсация тўловларини амалга ошириш. Моддий зарарни белгилаш ва ундиришда унчалик кўп қийинчиликлар вужудга келмайди.

Жиноят натижасида етказилган моддий, жисмоний ёки маънавий зарар қопланишини таъминлаш, жиноят процессида фуқаровий даъвони қўзғатиш ва таъминлашда вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар белгиланган тартибда қонуний тартибга солинган. Жисмоний зарар шахсни ҳаётдан маҳрум етилишида, унга тан жароҳати етказилишида ва соғлиғига зарар етилишида ўз ифодасини топади.

Жиноят туфайли фуқаронинг, корхонанинг, муассасанинг ёки ташкилотнинг мулкӣ ҳолатларига зарар етилиши моддий зарарни келтириб чиқаради. Аммо, шу билан бирга моддий зарар жиноят туфайли мулкни ўзига моддий зарар етмаган ҳолатларда ҳам, масалан, жисмоний шикаст олган жабрланувчи ўз меҳнат қобилиятини қисман йўқотиши оқибатида маошининг маълум улушидан маҳрум бўлганда, ёки унинг қонуний вакили унинг даволаниши учун дори-дармонга харажат қилганда, протез сотиб олганда, кўмиш маросимлари ва бошқа шу кабиларга сарфлаган харажатида ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Жиноят туфайли вафот етган шахснинг меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари ёки вояга етмаган болаларини боқиш учун кетадиган харажатлар ҳам фуқаровий жавобгардан ундирилади. Содир етилган жиноят нафақат қонун билан қўриқладиган муносабатларга, шу жумладан, инсон манфаатларига ҳам маълум даражада зарар етказади. Зарар моддий, жисмоний ёки маънавий шаклларда намоён бўлади. Умум эътироф етилган принципларга асосан етказилган зарар қопланиши ёки бартараф етилиши лозим.

Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зарар қопланишини таъминлашга оид процессуал нормалар, жиноят натижасида етказилган мулкӣ зарар қопланишини таъминлаш билан боғлиқ жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти Бундан ташқари тадқиқотчи олимлар томонидан жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ бир қатор янги таклифлар ва мезонлар ишлаб чиқилмоқда.

Ушбу янгиликлар суриштирувчи ва терговчининг жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш фаолияти назариясини тобора ривожланиб бориши учун назарий шароитларни яратиб беради. Жиноят содир етилиши натижасида етказилган моддий (мулкӣ) зарар масалаларини тадқиқ этишда ҳозиргача ягона фикрга келинмаган ва юридик адабиётларда ўз аксини топмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиёни қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли Қарорида²¹ таъкидланишича, шунингдек, зиён учун моддий жавобгарликнинг умумий асослари Фуқаролик кодексиди (14-моддаси, 57-боби) белгиланган.²²

Чунончи, ФК 14-моддасига кўра, зарар деганда, қуйидагилар тушунилади: ҳуқуқбузилган шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар) шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганда одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмаи қолган даромадлари (бой берилган фойда).

Фуқаролик ҳуқуқиди жиноят оқибатида етказилган зарар деганда, зиён етказувчининг ғайриқонуний феъл-атвори сабабли юзага келган жисмоний шикастланиш ҳамда ҳар қандай касалланиш тушунилади.

Одатда, зарар етказиш ҳолларида зарар етказган шахс билан жабрланувчи шартномавий муносабатда бўлмайди.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар фуқаролик ҳуқуқининг муҳим институтларидан биридир. Бу мажбуриятлар шартномавий муносабатлардан ташқари, шахсга ёки мол-мулкка ғайриқонуний хатти-ҳаракат натижасида етказилган зарарларни қоплашга қаратилган.

Зарар етказганлик юзасидан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун бир вақтнинг ўзиди қуйидаги ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлиши шарт:

- а) зарар етказилганлиги (мавжудлиги);
- б) зарар етказувчи шахс ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) нинг ҳуқуққа хилофлиги;
- в) етказилган зарар билан ҳуқуққа хилоф қилмиш ўртасида сабабий боғланиш;
- г) зарар етказувчи шахснинг айби ёки зарар етказувчи шахс хатти-ҳаракатларини назорат қилиш мажбурияти юкланган шахснинг айби.

Зарар деганда, ҳуқуқбузарлик натижасида жабрланувчига тегишли мол-мулк, мулкӣ ҳуқуқ ҳажмининг камайишида ёки йўқотилишида намоён бўладиган моддий зарар ёки номоддий неъматнинг (жисмоний шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи) шикастланиши ёинки ундан маҳрум бўлиниши тушунилади. Шу сабабли, зарар моддий ёхуд жисмоний характер касб этади. Моддий зарар кўрган жабрланувчи жисмоний шахс ҳам, юридик шахс ҳам бўлиши мумкин. Жисмоний зарар бўйича жабрланувчи фақат фуқаро бўлади.

Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар, шунингдек маънавий зарар ўзига хос хусусиятларга эга.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиёни қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли Қарорида

²² Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1 қисм

Етказилган зарар тўлиқ ҳажмда, бой берилган фойдани ҳам қўшиб ҳисобга олган ҳолда ундирилади.

Шахсининг бузилган ҳуқуқини, нобуд бўлган ёки шикастланган мол-мулкни тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган ҳаракатлари ҳақиқий (реал) зарар ҳисобланади.

Қонунда етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплаш умумий қондасидан истисно назарда тутилиши мумкин.

Умумий қоидага кўра, зарарни тўлаш мажбурияти бевосита зарар етказувчига юкланади. Айни пайтда қонунда етказилган зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказган шахсгагина эмас, балки унинг хатти-ҳаракатлари учун масъул ёхуд хатти-ҳаракатларини назорат қилиши шарт бўлган шахсларга ҳам юкланиши мумкин.

Одатда, фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар оқибатларини юмшатиш учун қонун ҳужжатларида ёхуд шартномада товон тўловлари ҳам назарда тугилади. Ушбу чоралар фуқаролик-ҳуқуқий, ижтимоий ҳимоя воситаси ҳисобланади.

Зарар етказганлик учун жавобгарликни қўллаш асоси сифатида зарар етказувчининг айби мавжуд бўлиши керак. Айб зарар етказувчининг ўз қилмиши ва унинг оқибатларига руҳий-психик муносабати ҳисобланади.

Зарар етказувчи айбининг шакли қонун ҳужжатларида бевосита белгилаб қўйилган ҳоллардагина ҳуқуқий оқибатларга эга бўлади. Қолган ҳолатларда қасд ёки эҳтиётсизликдан қатъи назар, қилмиш тўлақонли айб асосида содир қилинган ҳисобланади, яъни айбнинг ҳар қандай шаклида етказилган зарар тўлиқ ҳажмда ундирилади.

Зарар етказган шахс, агарда бунда ўзининг айби йўқлигини исботлаб берса, яъни форс-мажор ҳолатлар рўй берган ёхуд учинчи шахсларнинг айби мавжуд бўлса, жавобгарликдан озод қилинади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (ФК) нинг 333-моддасида (мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлик) ҳам айбсизликни исботлаш бурчи зарар етказган шахс зиммасига юкланади. Ушбу ҳолатда айбсизлик презумпцияси намоён бўлади, яъни зарар етказган шахс қонунда белгиланган тартибда ўзининг айбсизлигини исботлаб бермагунча, айбдор ҳисобланади.²³

Қайд этиш лозимки, айб деликт бўйича жавобгарликни белгилашда қатъий, яъни мутлақ зарурий асос эмас. Қонунда зарар етказувчининг айби бўлмаганда ҳам зарарни тўлаши назарда тутилиши мумкин. ФКнинг 993, 996, 999-моддаларида зарарни тўлаш мажбурияти айб категориясини қўллаш мумкин бўлмаган шахсларга (муомалага лаёқатсизлиги сабабли) ёки зарар етказишда айби бўлмаган шахсларга юкланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Фуқаролик қонунчилигида жавобгарлик шarti сифатида зарар етказувчи хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) нинг ҳуқуққа хилофлиги зарар етказувчи хатти-

²³ . Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси

ҳаракатининг ғайриқонунийлигини, яъни бошқа шахснинг субъектив ҳукуки бирор тарзда бузилишини англатади.

ФК 9-моддасининг бешинчи қисмига кўра, фуқаролар ва юридик шахслар бошқа шахсларга зарар етказишга қаратилган ҳаракатларни содир этмасликлари шарт²⁴. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бош деликт тамойилига асосланади, яъни агар қонун ҳужжатларида белгиланган бўлмаса, ҳар қандай зарар етказиш ҳуқуққа хилоф ҳисобланади.

Ҳуқуққа хилофликни қонун ҳужжатларида белгиланган тақиқни бузишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш билангина боғламаслик керак.

Ҳуқуққа хилофлик доираси фақат бу билан чекланмайди, балки бошқа шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилувчи ҳар қандай зарар етказишдан иборат.

Ҳуқуққа мувофиқ (қонуний) ҳаракатлар оқибатида етказилган зарар қонунда назарда тутилган ҳоллардагина тўланиши лозим.

Бир вақтнинг ўзида қуйидаги икки ҳолат мавжуд бўлганида зарарни тўлаш рад этилиши мумкин:

- зарар жабрланувчининг илтимоси ёки розилиги билан етказилган бўлса;
- зарар етказувчининг ҳаракатлари жамиятнинг ахлоқий тамойилларига путур етказмаса.

Биринчи ҳолатда жабрланувчининг илтимоси ёки розилиги яққол ифодаланган бўлиши шарт. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг, вояга етмаганларнинг, ўз ҳаракати оқибатларини англаб етмайдиган ҳолатда бўлган (алкоголь, гиёҳванд ёки психотроп моддалар истеъмол қилиш оқибатида) шахсларнинг (ақли норосолик ҳолида бўлганлар) илтимоси ёки розилиги ҳисобга олинмайди.

Иккинчи ҳолатда эса, жамиятнинг ахлоқий тамойиллари суд томонидан ҳар бир аниқ ҳолатдан келиб чиқиб ҳисобга олинади. Бундай тамойиллар доирасига умуминсоний (инсонпарварлик, адолат, бағрикенглик, ачиниш ва ҳоказо) ва миллий-диний қадриятлар (сахийлик, меҳмондўстлик, садоқат, вафодорлик, иффат-ҳаё, катталарга ҳурмат, итоаткорлик ва ҳоказо) киритилиши мумкин.

ФК 100-моддасининг саккизинчи қисмида фуқарога етказилган маънавий зарарни қоплаш борасида умумий меъёр белгиланган. Маънавий зарарни қоплаш масаласига оид нормалар мазкур Кодекснинг 1021, 1022-моддаларида ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелда қабул қилинган «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 7-сонли қарорида кенг баён этилган.

Умумий қоидага мувофиқ, маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади.

²⁴ . Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси

Маънавий зарарни қоплашга асос бўлувчи ҳолатлардан энг муҳими ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этган шахснинг айби мавжудлигидир.

ФКнинг 100-моддасига эътибор қаратадиган бўлсак, маънавий зарар фақат фуқаронинг шахсий номулкий неъматлари (ҳуқуқлари) бузилиши ёки тажовуз қилиниши оқибатида қопланади, деган хулосага келиш мумкин. Шундай экан, фуқаронинг моддий ҳуқуқлари бузилиши оқибатида етказиладиган маънавий зарар қопланадими, деган савол туғилиши табиийдир. Бизнинг фикримизча, бундай зарар қопланади. Чунки, маънавий зарар етказилишига сабаб бўлган ғайриқонуний ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликнинг объектларидан бири фуқаронинг моддий ҳуқуқлари, яъни уй-жой дахлсизлиги, мулк ҳуқуқи кабилардир.

Маънавий зарарни қоплаш имконияти унинг муддати билан боғлиқ.

ФКнинг 149-моддасига кўра, даъво муддати фуқаро ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво кўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир. Умумий даъво муддати мазкур Кодекснинг 150-моддасига асосан уч йил қилиб белгиланган. ФКнинг 163-моддасида даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар белгиланган бўлиб, улардан бири – шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талаблардир. Маънавий зарар фуқаронинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий бойликлари бузилиши оқибатида етказилади.²⁵

Демак, маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди.

Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига моддий зарар етказилиши билан унга маънавий зарар ҳам етказилиши табиийдир.

ФКнинг 1021-моддасига мувофиқ, маънавий зарарни етказувчи шахснинг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан тўланиши лозим, маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса қопланади, 1022-моддасига кўра, маънавий зарар пул билан қопланади, маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти, маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади, маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулк зарардан қатъи назар, қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорига кўра, маънавий зарар деганда, жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунилади.²⁶ Маънавий зарар, жумладан, яқин

²⁵ . Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори

қариндошини йўқотиш (ўлими) сабабли маънавий қайғуриш, ижтимоий ҳаётдаги фаолиятини давом эттира олмаслик, ишини йўқотиш, оилавий, тиббий сирларни ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача зиён етказиш туфайли, жисмоний оғрик ёхуд етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда намоён бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ҳуқуқий демократик давлатни барпо етиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда суд-ҳуқуқ ислохотларини ўтказиш йўналишлари, шу жумладан жиноятчиликка қарши курашишда жиноят-процессуал қонунчилиги ва унинг институтларини такомиллаштириш юзасидан билдирган фикр ва ғоялари, шунингдек фармон ва қарорлари орқали ҳозирда жиноят натижасида етказилган мулкӣ зарар қопланишини таъминлашга оид процессуал нормалар, жиноят натижасида етказилган мулкӣ зарар қопланишини таъминлаш билан боғлиқ жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан салмоқли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 сентябрда қабул қилинган фармойиши билан судлар томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв етиш учун етказилган зарарни тўлиқ қоплаш масаласи энг асосий талаблардан бири сифатида белгиланди.

Қонун чиқарувчи зарарли қилмишнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, жиноят туфайли моддий зарар кўрган шахсларга бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун нафақат фуқаролик процесси, балки жиноят процесси орқали ҳам ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга имконият яратиб берган. Бу вазифа фуқаролик ҳуқуқидаги зарар институти, жиноят процессида жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш институти орқали амалга оширилади.

Жиноятчиликка қарши курашишда, жиноят натижасида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қимматига етказилган моддий, жисмоний ёки маънавий зарарнинг қопланишининг долзарблиги қуйидагилар билан белгиланади.

Жиноят натижасида етказилаётган моддий, жисмоний ёки маънавий зарар суммасининг тобора ўсиб бораётганлиги сабабли жиноят процессида фуқаровий даъвони қўзғатиш ва таъминлаш асослари ва тартибини такомиллаштириш еҳтиёжининг вужудга келганлиги;

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида, жиноят орқали етказилган моддий, жисмоний ёки маънавий зарарни ундириш орқали инсоннинг ҳуқуқ ва еркинликларини муҳофаза қилинишини такомиллаштирилишига амалий еҳтиёж туғилганлиги;

Жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашда, фуқаровий даъвони қўзғатиш ва таъминлашда жиноий-процессуал муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатлаш механизмини ривожлантириш заруратининг вужудга келганлиги ва ҳ.к.

Жиноят процессида фуқаровий даъвони қўзғатиш ва таъминлашнинг процессуал тартибини, уни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш, назарий жиҳатлари ва амалий муаммоларини таҳлил қилиш асосида жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш, жиноят натижасида етказилган моддий, жисмоний ёки маънавий зарарни қоплаш бўйича суд, прокуратура ва тергов ва суриштирув органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Жиноят иши доирасида берилган фуқаролик даъвоси жабрланувчининг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклашга қаратилган ҳуқуқий восита ҳисобланади. Жиноий жазо айбдорни жазолашни кўзласа, фуқаролик даъвоси жабрланувчи манфаатларини молиявий ва ҳуқуқий жиҳатдан тиклашга қаратилган.

Фуқаролик даъвоси қуйидаги хусусиятлар билан характерланади:

Хусусан, жиноят иши билан боғлиқ жараён

Даъво жиноят иши доирасида кўрилади ва тарафларнинг ҳуқуқлари ЖПК нормалари асосида таъминланади.

Зарарни қоплашга қаратилган даъво айбдордан моддий, номоддий ёки бошқа турдаги зарарни ундириш мақсадини кўзлайди.

Давлат божидан озод этилади жабрланувчи давлат божи тўламайди, бу эса унга қўшимча имконият яратади.

Деликт мажбуриятининг ҳуқуқий шакли даъво мажбурият ҳуқуқи нормаларига таянади, лекин уни татбиқ этиш жиноят-процессуал тартибда амалга оширилади.

Фуқаролик даъвосининг жиноят иши билан уйғунлашуви

Фуқаролик даъвоси бир вақтнинг ўзида икки йирик ҳуқуқ соҳасининг йиғилиш жараёнида жиноят ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқи ўзаро уйғунлиги асосида вужудга келади.

Умуман олганда, жиноят ишидаги фуқаролик даъвоси гибрид ҳуқуқий табиатга эга. Чунки:

айбдорлик даражаси жиноят ҳуқуқи нормаларига асосан аниқланади;

зарарни қоплаш эса фуқаролик-ҳуқуқий нормаларга асосланади;

даъво ЖПК тартибида кўрилади;

қарор ижроси янги иш қўзғатмасдан, тўғридан-тўғри ижро варақаси асосида амалга оширилади. Бу ҳолат даъво аризасининг процессуал табиатини ўзига хос қилади.

ЖПКга мувофиқ, фуқаролик даъвосини қуйидагилар бериш ҳуқуқига эга: яъни жабрланувчи; унинг қонуний вакили; ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар, айрим

ҳолларда прокурор (жабрланувчи манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида) даъво киритиши мумкин.

Жиноят иши доирасида даъво қўйиш жиноят муҳитида содир бўлган ҳуқуқбузарлик натижасида келиб чиққан барча турдаги зарарларни ўзига қамраб олади.

ЖПКга кўра, исботлаш жавобгарлиги жабрланувчига юклатилган, бироқ амалда айрим ҳолларда прокурор ҳам жабрланувчи манфаатини ҳимоя қилиши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича судларда фуқаролик даъвосини кўришда қуйидаги қийинчиликлар кўп кузатилади:

Кўп судлар жиноят иши билан бирга ҳал қилиш ўрнига, алоҳида тартибда кўрилишини маъқул билади; бу эса жабрланувчи учун қўшимча мураккабликлар келтириб чиқаради.

Жиноят ишларида фуқаролик даъвоси — жабрланувчининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, моддий ва номоддий зарарни қоплашнинг энг самарали механизми ҳисобланади. Амалда унинг ҳуқуқий табиати тўғри белгиланган бўлса-да, уни қўллашдаги қийинчиликлар туфайли жабрланувчилар кўп ҳолларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ тиклай олмаяпти. Зарарни ҳисоблашда ягона стандартларни қабул қилиш, суд ва тергов амалиётини мувофиқлаштириш, рақамли технологияларни жорий этиш орқали фуқаролик даъвоси институтини янада самарали қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг** 2016 йил 27 декабрдаги «Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 26-сонли қарори.
2. **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг** 2000 йил 28 апрелдаги «Маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори.
3. **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.** (Ўзбекистон Республикаси қонуни билан қабул қилинган, амалдаги таҳрир).
4. **Мирзаев Т., ва бошқ.** Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 2-жилд. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. — 265 бет.
5. **Хамрақулов Б. М.** Маънавий зарарни қоплашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши муаммолари: юридик фанлар номзоди диссертацияси автореферати. — Тошкент: ТДЮИ, 2008. — 65 бет.
6. **Кравцова С. В.** Жиноят-процессуал ҳуқуқида фуқаролик даъвогари ва фуқаролик жавобгарининг дастлабки тергов босқичидаги процессуал мақоми: тушунчаси, моҳияти ва вужудга келиш асослари: юридик фанлар номзоди диссертацияси автореферати. — Санкт-Петербург: Россия ИИВ Санкт-Петербург университети, 2003. — 310 бет.

7. **Рустамбоев М. Х.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм / Б. М. Мустафоевнинг умумий таҳрири остида. — Тошкент: ILM ZIYO, 2006. — 608 бет.

8. **Халқаро конвенциялар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида:** халқаро декларациялар тўплами / тузувчи: Ю. С. Пулатов. — Тошкент: Шарқ, 1995. — 350 бет.

9. **Галимов Т. Р.** Россия жиноят суд иш юритувида фуқаролик даъвосини исботлаш субъектлари: юридик фанлар номзоди диссертацияси автореферати. — Челябинск: УдмДУ ҳузуридаги Ҳуқуқ, ижтимоий бошқарув ва хавфсизлик институти, 2006. — 9-бет.

10. **Божьев В.** Жиноят жараёнида фуқаролик даъвоси // Қонунийлик. — Москва, 2004. — № 7. — 168 бет.

11. **Самитов М. Р.** Россия жиноят процессида фуқаролик даъвосини кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби: юридик фанлар номзоди диссертацияси автореферати. — Челябинск: УдмДУ ҳузуридаги Ҳуқуқ, ижтимоий бошқарув ва хавфсизлик институти, 2006. — 261 бет.